

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston
Respublikasi
ijtimoiy-iqtisodiy
gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№ 156 (6.681). Sotuvda erkin narxda

БУГУНГИ СОНДА

ОЗОДЛИК
СОҒИНЧИ

Қўшалок
байрам



(2-саҳифада)

«ҚОБИЛ
ФАРЗАНД
БЕРСИН...»

(1-4- саҳифаларда)

Оқсаройда қабул



Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов 29 декабрь кунин Оқсаройда Тожикистон Республикаси Бош вазирини Оқил Оқилонин қабул қилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон халқларининг дўстлиги кўп синовлардан ўтган. Халқларимиз хар доим бир-бирини қўллаб-қувватлаб, яқин қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаб келган. Мустақиллик йилларида эса бу қадим дўстлик ришталари янги равишда ривожланган.

Мақсадларнинг муштараклиги ва ўзаро ишонч муносабатлиги ҳамкорликни янада юкори погоналарга олиб чиқиш учун икки томонда мавжуд салоҳиятдан кеңроқ фойдаланишга имконият яратди. Мана шу ҳамкорлик давлат раҳбарлари даражасидаги музокараларда ҳам, бошқа мулоқотларда ҳам яққол намоён бўлиб келатди.

Икки мамлакатнинг сиёсий муносабатлари жадал ривожланмоқда. Марказий Осиё хавфсизлиги ва тараққиёти йўлида, экология масалаларида икки ва кўп томонлама асосда исчил ҳамкорлик қилинати. Тожикистон мамлакатимизнинг Марказий Осиёни ядро қуролдан холи зона, деб эълон қилиш ташаббусини қўллаб-қувватлайди, Халқаро Оролни қўқариш жамғармаси доирасида

минтака давлатлари каторида Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилади.

Ижтимоий, маданий, илмий соҳалардаги алоқалар ҳам исчил ривожланмоқда.

Гарчи ўзаро савдо ҳажми йилдан-йил ошаётган эса-да, хали кўп иқтисодий имкониятлар қолган. Икки мамлакат Президентлари келишувига биноан бу бодаги ишларни янада жадаллаштириш учун савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйи ҳукуматлараро қўшиа комиссия тўзилади. / ўтган йилнинг августида Душанбада, бу йил февралда Тошкентда мажлис ўтказилди. Найжада 2002 йили ўзаро савдо кўрсаткичи авалги йилдагидан қарий 10 фоиз ошди, 11,9 миллион АҚШ долларини ташкил этди. /орй йилнинг ўн ойида эса 122,8 миллион долларга тенглашди.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон-Тожикистон муносабатларига яд долларб масалалар, жумладан, транспорт коммуникациялари ва сув-энергетика ахирларидан фойдаланишда ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

СУРАТДА: қабул пайти. Д.ЮСУПОВ(ЎЗА) олган сурат.

ТОЖИКИСТОН БОШ ВАЗИРИНИНГ ТАШРИФИ

29 декабрь кунин Тожикистон Республикаси Бош вазирини Оқил Оқилонин амалий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Икки мамлакат Президентларининг келишувига биноан хар йили Тошкентда Ўзбекистон ва Тожикистон ҳукумат делегацияларининг кеңг музокарасини ўтказиш ва келгусидаги ҳамкорликнинг амалий жиҳатларини белгилаб олиш яқин аниҳана айланган.

Ўзбекистон Бош вазирини Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Бош вазирини Оқил Оқилонинг музокарасида мамлакатларимиз қўллаб-қувватлаб, фаол ҳамкорлик қилиб келатганини мамнуъат билан таъкидланди. Ислам Каримов ва Имомали Раҳмонов ўртада эришилган келишувларни рўйбга чиқариш,

Президентларнинг ҳамкорликни ривожлантиришга доир тақлиф-тавсияларини ҳаётга татбиқ этиш масалаларига бағишлаб ўтказилган бундай амалий мулоқотлар икки давлат манфаатларига хизмат қилиб, ўзаро муносабатлар ривожига салмоқли хисса қўшмоқда.

Бош вазирлар раҳбарлигидаги ҳукумат делегацияларининг музокарасида транспорт коммуникациялари ва сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланишга оид масалалар муҳокама этилди. Томонлар савдо-иқтисодий муносабатлар кўламини ошириш борасида фикр алмашди.

Учрашувлар якунида Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида 2004 йилда юк ташуш, газ ва ёқилғи мойлаш маҳсулотлари етказиб бериш ҳамда

давлат қарзлари бўйича ўзаро ҳисоб-китоб ҳамда келаси йилу сув-энергетика захиралардан унумли фойдаланиш соҳида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар имрланди.

Тожикистон Бош вазирини «Ўзқомарказ»да «Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий салоҳияти» мавзусидаги қўғазма билан танишди.

Ушбу ташриф доирасида икки мамлакат ташкилотлари Соҳиб Сафоев ва Толба Назаровнинг музокараси ҳам бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Тожикистоннинг минтақавий хавфсизлик ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлиги оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

«Президент арчаси» тантаналари бошланди

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида 29 декабрь кунин «Президент арчаси» томошалари бошланди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан бутун мамлакатимизда янги йил байрами кунлари кичкинтойлар, айниқса, кўнгли ярим, эҳтиёманд, серфарзанд оилалар фарзандларига, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига меҳр-муруват кўрсатиш, совагалар улашиш ажойиб аниҳана айланган.

Ушбу давлар кичкинтойлар ҳаётидаги энг унутилмас, ёркин лаҳзалар бўлиб қолиши шубҳасиз. Зеро, истиклолнинг илк йилларидан оқ эш авлоди баркамол инсон этиб вояга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилади.

Сеҳрли эртақлар олами ни эслуви саройидаги арча атрофида қувнок куй-қўшиқлар, шеърлар янгради, шўхшодон рақслар ижро этилди, қорбоқою қорқиз, турли эртақлар қаҳрамонлари, санъаткорлар ва ёш ижрочиларнинг чиқишлари томошаларга янада кўтаринки руҳ бағишлади.

Болалар учун махсус тайёрланган «Мен! Сен! Биз! Дунё кезамиз!» мусиқали спектакли кичкинтойларга яна бир ажойиб тўҳфа бўлди. Дўстлик, аҳиллик, юртга садоқат, ватанпарварлик ғояларини тараннум этувчи бу эртақни болалар зўр қизиқиш билан томоша қилди.



Ғоят қувончли ва завқли ўтган томошалар ниҳоясида кичкинтойларга мамлакатимиз Президентини номидан байрам совагалари топширилди.

«Президент арчаси» атрофидаги байрам томошалари барча вилоятлар ва Қорақал-

поғистон Республикасида давом этади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизқўжаев иштирок этди.

публикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизқўжаев иштирок этди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири.

СУРАТЛАРДА: тантанадан лавҳалар. С.УРМОНОВ (ЎЗА) олган суратлар.



САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда «Сирдарё вилояти маҳаллий бюджетининг 2003 йилда қўғазилган ижроси ва 2004 йилги асосий истикбол кўрсаткичлари тўғрисида»ги ва яна бир қанча масалалар муҳокама қилинди. Сессияда вилоят ҳокими Р.Хайда-

ров маъруза қилди.

Сессияда сўзга чиққанлар 2003 йилда барча соҳалар бўйича астойдил меҳнат қилингани ва бу амалда ўз самарасини кўрсатганини қайд қилиш билан бирга, 2004 йилда ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

каси Бош вазирини Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

Шунингдек халқ депутатлари Навоий, Самарқанд, Бухоро ва Сурхондарё вилоят Кенгашларининг ҳам сессиялари бўлиб ўтди.

МУАММО ЙЎЛИМИЗДА, ЕЧИМИ ҚЎЛИМИЗДА

Республикамизда фермерлик ҳаракати кун сайин ривожланиб бормоқда. 1997 йилда фермер хўжаликлари сони 21416 тани, уларга ажратилган ер майдони 413 минг гектарни ташкил этган бўлса, бүгунги кунда уларнинг сони 85132 тага, ер майдони эса 1029 минг гектарга етди. 1997 йилга нисбатан фермер хўжаликлари сони 3,9 марта, уларга ажратилган ер майдони 4,9 мартага ошган бўлса, пахта ишлаб чиқариш 7,3 мартага, бошоқли дон ишлаб чиқариш 7,1 мартага ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартда эълон қилинган 3226-сонли Фармони билан фермерлик ҳаракати республика кишлоқ хўжалигида устувор йўналиш этиб белгиланди. Республика-миздаги кам рентабелли ва зарар қўриб ишлаётган 1020 та ширкат хўжалиқларини фермер хўжалиқларига айлантириш бўйича 2004-2006 йилларга мўлжалланган концепция ишлаб чиқилди.

Бирок айни чоғда фермер хўжалиқлари фаолиятида муаммо ва камчиликлар ҳам йўқ эмас. Мутахассисларни ишга жалб қилиш имконияти чегараланганлиги сабабли республикада фаолият кўрсатаётган фермер хўжалиқларининг аксариятида ҳисоб-китоб ва ҳисобот ишлари яқини йўлга қўйилмаган. Бу эса фермерларнинг ўз хўжалиқлари фаолияти натижаларини умумлаштириш, режалаштириш ва бизнес режалар тузишда катта муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ҳисоб-китобнинг яқин йўлга қўйилмаганлиги хўжалиқ фаолиятининг натижаларига катта салбий таъсир кўрсатмоқда, ҳисобот қабул қилувчи ташкилотларга топширилётган ҳисоботларнинг сифати талаб даражасида бўлмапти.

(Давоми 2-бетда)

ҲУКУК

Сизу биз озод одамларми. Агар «яшаш» сўзи ёлғиз кун кечирши маъносини билдирмай, кеңг қамровли эканлигини ҳисобга олсак, ўзимиз хоҳлаган тарзда яшаш ҳақимиз, фақат жамиятда ёзилган ва ёзилмаган қонулар доирасида.

Мабодо маълум сабаблар туфайли эркимиз чегараланган бўлса-чи? Масалан, озодликдан маҳрум этилган одам ҳисларини сезмасак-да, эшитганларини

ПАНЖАРА ОРТИДА ЖАВДИРАГАН КЎЗЛАР

миз-у қўрганларимиз асосида тасаввур қилсак, Шунинг эздан қанчалик ваҳимага тушади! Айни пайтда панжара ортидаги ҳаёт билан, у ерда яшаётган одамлар қанча, уларнинг руҳиятида қандай кечинмалар кечаётди? Қилган гуноҳлари учун тавба-тазарру қилишаётми? Бу ҳолатлар кўпчиликини қизиқтириши табиий.

(Давоми 2-бетда)

**«ҚИШЛОҚ
ҲАЁТИ»
газетасига
2004 йил
учун обуна
давом
этади!**

Газетанинг нашр кўрсаткичи - 144

ИНТИЛИШ

Мамлакатимизда кишлоқ хўжалигини ривожлантиришга жиддий эътибор берилмоқда. Фермер хўжалиқларини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди.

Бу соҳада Сирдарё вилоятида қандай ишлар амалга оширилди, қандай ечилмаган муаммолар бор, ислохотлар нима берди?

МЕҲНАТОБОД: УМИДБАХШ ЎЗГАРИШЛАР

Ҳўш, ахвол қай томонга ўзгарди. Кишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш қандай борапти? Мақолаимиз Сирдарё вилоятининг энг оғир шароитли Меҳнатобод тумани деҳқонларининг шу кунги ишлари, ютуқлари, муаммолари ҳақида бўлади.

(Давоми 3-бетда)

ТАРБИЯНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

«Тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё наҳот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир». Бу ибратли иқтибос ўтган асрнинг биринчи чорағида миллатимиз гули сифатида танилган жадид маърифатпарвари Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асаридан келтирилди.

Тарбия... Унинг турлари кўп, ижтимоий-маиший ҳаётдаги тугтан ўрни эса беқиёс. Ахлоқ тарбияси, ақл тарбияси, бадан тарбияси, истеъдод тарбияси ва ҳоказо. Мухими, уларнинг хар бири Авлоний айтмоқчи, инсоннинг руҳий ва жисмоний ҳаёт-мамот масаласидир.

Бани башарият умри давомида ўқийди, мудом изланади, лекин билганлари бош-кечи йўқ илм уммонида бир томчиға киёс. Эсини танганидан бошлаб ёши улуг кексаларнинг панду насихатларига қўлоқ тутуди; ахлоқ бобидаги китобларни синчлиқлаб мутлола қилади, лекин бу борадаги билганлари ҳам улкан тоғ олдида салмоғи йўқ зарра мисол.

Ота-боболаримиз ўтмишда тарбияга беқиёс назар билан қарашганига шубҳа йўқ. Агар халқимизнинг тарбия борасидаги фикрлари, ибратомуз ривоятлари, маталлари ва насихатларини тўлиғича жамланса, туркум китоблар вужудга келиши табиий.

Шу ўринда «Бобурнома»даги Мирзо Қамрон номига ёзилган мактуб-фасли эътиборга молик. Бобур Мирзо ўғлига шундай ўғит беради: «...Ҳожа Убайдуллоҳким (Ҳўжа Ахрор Валий), имдод қилибдур, то ғоят бу ишларнинг давлати ул азизларнинг ҳимматидадур».

(Давоми 4-бетда)

КЕЛГУСИ СОНДА:

ҚАҲРАМОННИНГ
ОНАСИ

САВОБГА
ЗАВОЛ ЙЎҚ

ҲАЗИЛНИ ҲАЗМ
КИЛИШ ОСОНМИ?

КЕЛАЖАК УЧУН ЗАМИН

Бугунги униб-усаётган фарзандларимиз қамол, том маънода оладиган бўлса, мактабларда олиб бориладиган фидойи ўқитувчиларнинг савий-ҳаракатларига боғлиқ.

Ушбу мақолада олиб бориладиган таълим-тарбиянинг самардорлигини янада охиригача ўқиб, маҳалла ҳамда ота-оналарнинг ўзини алоқасини мустақамлашга эришиш бўлса, иккинчидан, махсус фанларга чуқурлаштирилган синфлар ташкил этган ҳолда ўқувчи билан ўқитувчи ўзаро қўбиштирилган қараб тевақол билим бериш ҳамда уларнинг қизиқишига кўра касб-ҳунар ўргатишга йўналишдан иборат.

ТАЪЛИМ

Ушбу мақола 2001-2002 ўқув йилида республика миқёсида ўтказилган "Йил мактаби" кўрик-танловига гўлиб деб топилди, ушбу танловнинг мамлакат миқёсидаги якуний босқичида қатнашиш имконига эга бўлди.

Мақолада ўқувчилари касб-ҳунарга йўналиштириш педагогик-психологик таълим маркази билан ҳамкорлиги самарали олиб борилади.

Қадрлар тайёрлаш мислийд таълим-тарбиянинг биринчи босқичида кўрсатиладиган педагог кадрларнинг иш фаолиятини орттириш бўйича замон талабига жавоб берадиган янги педагогик технология ва услубларни топиш ва уларни биринчи навбатда мактабда қўлланилиб, сўнг туман ва республика миқёсида босқичма-босқич омалаштириш ишлари мактабда юқори даражада.

Ушунинг янги педагогик технология услублари билан номлари республика маълум ўқитувчилардан: Б.Сарибаева ва инглиз тили ўқувчиси, Г.Жолдосова бошланғич синф ўқувчиси, А.Давлетбаева инглиз тили ўқувчиси, Г.Ибрашева биология фани ўқувчиси, Б.Хожамкулова физика фани ўқувчиси, А.Кайтекеева каби ўқитувчиларнинг янги педагогик технология асосида но-наъанавий дарсларни ўтиш услублари китобча ҳолида чоп этилди ва республика миқёсида омалаштирилди.

Мақолада спорт ишлари юқори даражада ташкил этилган. Ўқувчиларнинг соғлом, заираб бўлиб ўсиши учун ҳар хил спорт секциялари ишлаб турибди. Туман миқёсида ўтказилган "Умид нисоллари" спорт ўйинларида мактаб ўқувчилари фахрли 1-ўринни эгаллади.

Умуман мактаб жамоаси давлат таълим стандарти, таълим ҳақидаги қонун қўрсатмаларини бажариб, ватанимизнинг келажаги ва унинг гуллари бўлган соғлом авлодни тарбиялашда ўз қулуқувати ва ботиним меҳнати билан иш фаолиятини давом эттирмақда.

Дамехон МЕДЕТОВА

(Боши 1-бетда) Ул силсиланиг мурид ва асроби (сўхбатдошлари) подшоҳода деб, сенга келсалар, энҳор акром ва эъзоларини маърий тутиб, аларнинг борасида тақсир (қусур) қилмағайсен. Алар ким ишқ бобинда бўлурлар, севарларнинг итини ҳам севарлар...

Мозийдан яхши маълумки, барча теурийзодалар қатори Заҳириддин Мухаммад Бобур ҳам Ҳўжа Аҳрор Валийга пир сифатида чуқур ихлос қўйган. Унинг "Волидия" асарини форсийдан туркийга ўйрган. Боз устига Мирзонинг тасаввуф тариқатига, хусусан, сўфийликка эътиқодини назарга олсак, унинг нечоглик фарзандларини ҳам бу йўлга қорлагани боиси ойдинлашади.

ТАРБИЯНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

Тақдам, нотўғри ҳаёт тарзига хос хатти-ҳаракатларнинг бадали кейинчалик қийинчилик билан тўланмоқда, кейинги индалло, Ҳўжа Убайдуллоҳнинг нуруни ёшга етганлигида. Ёш улуглиги, мўтабарлик мактабда урта ашр Шарқ дўнёсида қандай муносабат топганига махсус тўхталашнинг ҳожати бўлмас керак.

Энди-чи? Бугун асрлардан асрларга опилчаб ўтган улкан ахлоқий меросимиз қандай қадр топмоқда? Саволларга жавоб сифатидаги муносабатимизни ўзимиз шохиди бўлган воқеа тафсилоти билан бошласак.

...Автобус йўловчилар билан тирбанд. Шу пайт кекса бир отахон автобусга чиқди. Кейинги тафсилот чипта сотувчи ва отахон ўртасидаги даҳанки жангдан иборатки, уни биз батафсил баён этиб ўтиришни лозим кўрмадик. Негаки, уларнинг ҳаммаси куракда турмайдиган ҳақоратлар, мазмунан қупол гаплардан иборат. Жанжал сабаби бор-йўғи отахоннинг чипта пулига бир-икки сўм етмай қолганида.

Яна бир жиҳат шундаки, чипта сотувчининг ёши аллақачон тарбия берадиган, бошқаларга ўрнак бўладиган фаслга етиб қолган. Бундан бир неча йиллар муқаддам газеталардан бирида "Тарбияга муҳтож тарбиячилар" номли мақола чоп этилган эди. Унда болалар боғчаси тарбиячиларининг қай тариха ёш, мурғак қалби болажонлар ризини "туя" қилаётгани, ташмачилиги фож этилганлиги.

Ушунинг қай тариха ёш, мурғак қалби болажонлар ризини "туя" қилаётгани, ташмачилиги фож этилганлиги. Ўз-ўзидан ҳақли савол туғилди: Ёшлардан фарқли ўларок, ҳаёт тарбияси етарли баъзи кишилар нега ўзлари ағлаб етган (балки билмайдигани ҳам бордир) кишилар одо-ахлоқ қоидаларига риоя қилмайдилар?

Тан олиш зарур, бугунги глобаллашув жараёнида, замон шиддати жиддий тус олаётган бир паллада ҳар бир ҳаёт зиддияти, қарама-қаршиликлар борасида жиддий бош қотириб ўтиришга ҳафсала етишмас бизда; лекин, босилаётган ношойис-

қилиб, бунинг боисини сўрадик. -Эй, сўраманг, жўражон, - деди дўстимиз янчили алфозда. - Поччамиз уч қиздан кейин ўғилли бўлгани учунми, якка-юяна ўғлини эркалатиб, қўнглига қараб ўстирганди. Яқинда унинг никоҳ тўйини қилдик. Биласиз, қишлоқчилик, қўлқалтачилик деган гаплар бор. Поччамиз моддий ноқорликдан ўғлига машур хонандани эмас, маҳаллий кўшиқчиларнинг бирини таклиф этиб кўя қолишни тайинлагди. Эркатой жиянимиз ота-сининг гапига парво қилармиди: билганидан қолмади. Ҳозир эса

п о ч ч а м и з касалхонада - "юрк касалликлари" бўлимида даволанапти. Аҳволни яхши деб бўлмайди. Кўрганлардан бирининг айтишича, бектарбия жиянимиз тўй кунини... отасига қўл кўтаригача борган экан...

Э, алҳазар! Донишмандлар омонда Тангри, ерда Ота демаганмиди! Ота учун ўз пушти камарини бино бўлган боланинг мушт ўқталашидан ортиқ қабоҳат борми?!

Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси У.Ҳошимовнинг "Дафтар хошиясида битиклар" китобидан шундай сатрларни ўқиймиз: "Бола туғдирганларнинг ҳаммаси ҳам Ота бўлавермайди. Бола туғқанларнинг ҳаммаси ҳам Она бўлавермайди.

Боланинг ҳаммаси ҳам Фарзанд (таъқид бизники - муаллиф) бўлавермайди".

Холисонило айтганда, тарбия борасида амалга оширилиши зарур бўлган ишлар ҳали талайгина. Қувонарлиси шуки, Истиклол шарафати билан соф ўзбекистон тарбия, ўзбекистон одо-ахлоқ таълимчилари яна қадр тола бошлади. Мухими, ёш авлодни ўзимизга хос инсоний матлабни тўғри ағлаб етиши борасида хайрли қадамлар босилди. Тарбия соҳасида қилинаётган ишлар гўё инсон учун пайдоверга ўшайди. Унга силлиқ, тарашланган "тош" қўйсақ, бу бизнинг энг катта ютуғимиз.

Хидирали ПАНЖИЕВ

SPORT OLAMIDA

КУБОККА ЙЎЛ

Бухоро вилоятида тазквандо бўйича вилоят очик чемпионати баҳслари бўлиб ўтди. Беллашувларда бухороликлардан ташқари Навоий ва Самарқанд вилоятларидан ташриф бўрган ёш тазквандочилар ҳам иштирок этишди.

Унда вилоятнинг турли мактаб-интернатларидан 20 та жамоа иштирок этишди. Турнир якунида эса мутасаддилар томонидан гўлиб ва иштирокчилар қимматбаҳо эсдалик совғалари билан рағбатлантилди.

НОГИРОН БОЛАЛАР БАҲСИ

Кунини кеча Тошкент вилоятининг Олмалик шаҳрида ногирон болалар ўртасида югуриш бўйича вилоят биринчилиги баҳслари бўлиб ўтди.

Унда вилоятнинг турли мактаб-интернатларидан 20 та жамоа иштирок этишди. Турнир якунида эса мутасаддилар томонидан гўлиб ва иштирокчилар қимматбаҳо эсдалик совғалари билан рағбатлантилди.

ТАРКИ КУЧАТИРИЛМОҚДА

Футбол бўйича мамлакат XII миллий чемпионатида ўзининг ажойиб ва чиройли ўйинлари билан мухлисларни хурсанд қилиб, чемпионликка сазовор бўлган "Пахтакор" жамоаси янги мавсумга тайёргарлик жараёнини авлақачон бошлаб юборган.

Ҳозир ўқув машғулотларини давом эттираётган "Пахтакор" чилар таркибига бир қатор янги ўйинчилар келиб қўшилди. Деярли ўтган йилги таркибини сақлаб қолган "Пахтакор" чилар сафига янги мавсумда А.Фофуров, Т.Жўраев, Б.Ашурматов, А.Власичев, Ю.Цой, И.Иномов, В.Понамарев, И.Суноновлар ҳам тўп суриши мумкин.

ТРАППАТОНИ "БАВАРИЯ"ГА ҚАЙТАДИМИ?

Германиянинг "Бавария" жамоаси мавсум якунида бош мураббийни алмаштирмоқчи. "Мюнхенликлар" ўзларига энг муносиб номзод сифатида Италия терма жамоаси бош мураббийи Жованни Траппатонини танламоқчи", дея хабар беради Италиянинг "La Repubblica" газетаси.

Ҳозир мураббийнинг Италия футбол федерацияси билан 2004 Европа чемпионати якунидангача шартномаси бор. Траппатони эса бу шартнома 2006 йилги жаҳон биринчилигига қадар узайтирилиш кўзал турибди. Албатта бунга у Италияни Европа чемпионати финалига олиб чиқа олсагина муваффақ бўлиши мумкин.

ДМИТРИЙ ЛОСЬКОВ - РОССИЯДА ТЕНГСИЗ

Россия журналистлари ўртасида йилнинг энг яхши футболчисини аниқлаш ҳақидаги сўровда Россия термаси ва Москванинг "Локомотив" жамоалари ярим ҳимоятчиси Дмитрий Лоськов биринчи ўринни эгаллади.

Бу гўлибликка 29 ёшли ярим ҳимоятчи, ўзининг Россия чемпионати, мамлакат кубоги ва чемпионлар Лигасидаги ажойиб ўйинлари учун лойиқ топилди. Иккинчи ва учинчи ўринлар эса мамлакат чемпионли, ЦСКА аъзолари Ролан Гусев ва Вадим Евсеевларга насиб этди. Россия термаси сардори Виктор Онопко эса бор-йўғи саккизинчи ўринни банд эта олди, холос.

БРАЗИЛИЯ ЧЕМПИОНИ "САТУРН-REN TV"ДА

Бразилия чемпиони "Крузейро" клуби ярим ҳимоятчиси Аугусто Ресифе Россиянинг "Сатурн - RenTV" жамоасига 900 минг АҚШ доллари эвазига трансфер қилинди.

Клубнинг янги бош мураббийи Олег Романцевнинг жамоага таклиф қилган бу учинчи футболчиси. Эсланбет ўтамас, сал олдинроқ дарвозабон Антонин Чински ва Виктор Онопколар "Сатурн - RenTV" аъзосига айлангандилар. 20 ёшли бразилиялик ярим ҳимоятчи эса Россияда тўп суришида мавсум, чунки "Сатурн - RenTV" да унинг ҳамюртлари Да Силва, Жедер ва Режислар билан бирга ҳаракат қиладди.

ИККИНЧИ МАҒЛУБИЯТ

Чукотка губернатори Роман Абрамович жамоаси, Англиянинг "Челси" клуби сўнги турларда кетма-кет иккинчи мартаба мағлубиятга учради. Бу сафар "Чарльтон"га қарши баҳс олиб бorgan "Челси"дан омад шу кунини очикчасига юз ўйрди.

Ўйиннинг биринчи дақиқаси якунига етмасданок "Чарльтон" ҳужумчиси Херманн Хрейдарссон боши билан "кўклар" дарвозасини ишғол қилишга муваффақ бўлди. Орадан саккиз дақиқа ўтгандан сўнг Жон Терри орадаги мувозанатни тиклашга эришди.

Лекин шу кунини "Валли" ўйингоҳида йиғилган мухлисларга "Чарльтон" ҳақиқий янги йил совғисини ҳада этди. Биринчи бўлим якунидангача яна икки тўпқиритган мезонлар ҳисобда анча олдинлаб кетди. Иккинчи бўлим бошида эса туртинчи тўпни киритиб ҳисобини "Челси" учун шармандалик қуришига олиб келди - 4:1. Қолган дақиқаларда меҳмонлар қанча ҳаракат қилмасин, бор-йўғи бир бор тўп кирита олди: 4:2.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги

Ҳозирги пайтда вазир бўлган Норин-Қорадевр ирригация тизимлари ҳавзабошқармаси бошлиги лавозимига қайтадан тайинлаш бўйича танлов эълон қиладди. Танловда соҳа бўйича олий маълумотга ва мутахассислиги бўйича 12 йилдан оқори иш стажига эга бўлган, раҳбарлик лавозимига 5 йилдан кам ишламаган, юқори маалакали Ўзбекистон Республикаси ўқуворлари қатнашиши мумкин. Танловнинг қўшимча шартлари билан танлов комиссиясида тўлиқ танишиш мумкин.

Номзодларнинг ўзжотлари 2004 йилнинг 5 январига қадар қабул қилинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 4-уй, ишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг 28-хонаси. 41-27-20. 41-52-14 рақамли телефонлар.

Ўрмон ҳўжалиги Бош бошқармаси жамоаси Бош бошқарманинг Самарқанд вилояти бўйича етакчи назоратчиси ШДИ МУҲАММАДНЕВИНнинг вафоти муносабати билан меҳмонини оила аъзоларига чуқур тазия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН БИРИ



Мамлакатимизнинг барча фуқаролари ва меҳмонларини кириб келаётган янги 2004 йил - МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ билан самимий муборакбод этади. Янги йилда Сиз, азизларга тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик, дастурхонингизга қут-барақа ва оилавий бахт тилайди. Қалбингизни қувонч ҳеч қачон тарк этмасин. Юртимизда тинчлик, осойишталик доимо ҳукмрон бўлсин. Халқ банки - Сизнинг оилангиз банки!

- Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ
- ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДІЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Фахрид ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.
- МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агротранспорт комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар
- ТЕЛЕФОНЛАР: Кабулхона - 136-58-83 (факс): 133-09-93. (факс): 133-40-87. бош муҳаррир ўринбосарлари - 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-30. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.
- ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-7; Андижон - 8-374-2-25-32-23; Бухоро - 8-366-64-615-37; Жиззах - 8-372-22-648-72; Навоий - 8-436-22-588-56; Наманган - 8 - 369-43-311-81; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-233-00-52; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-225-41-73; Тошкент - 8-371-136-56-21; Ҳоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-85.
- Реклама ва эълонлар бўлими телефонни: 133-44-43, 136-58-83.
- МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Мелбурччилар кўчаси, 32-уй
- Реклама ва эълонлар матни учун бюртмачи жавобгар. Навбатчи: Х.ПАНЖИЕВ